



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

## ЎТМИШГА НАЗАР

4 ЖИЛД, 5 СОН

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 4, НОМЕР 5

## LOOK TO THE PAST

VOLUME 4, ISSUE 5



ТОШКЕНТ-2021

**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши  
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»  
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Зияева Доно Ҳамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори, Телави  
давлат университети, Грузия

**Аширов Адҳам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори, Телави  
давлат университети, Грузия

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети, Қозоғистон

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
Ўзбекистон Миллий университети

**Гоффоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулшвили**  
профессор, Телави давлат  
университети, Грузия

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Санпова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Россия ФА, Санкт-Петербург  
Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор  
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон  
Миллий университети, Қозоғистон

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Ўзбекистон миллий университети

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Доғистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc)

**Талапов Бахриддин Алижанович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Наманган давлат университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Толибоева Нодира Одижоновна**  
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори  
(PhD)

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


<b>1. Яраш Гаффоров</b> ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АХБОРОТ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР.....	4
<b>2. Жуммагул Абдурахмонова, Улуғбек Исмоилов</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ.....	11
<b>3. Жавлонбек Бегалиев</b> ЎЗБЕКИСТОНДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ТАРИХИ (1940-1950 йиллар).....	18
<b>4. Ҳамза Жўраев</b> БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА СОВЕТЛАРНИНГ МАДАНИЙ ИНҚИЛОБ СИЁСАТИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ.....	24
<b>5. Jahongir Inoyatov</b> JAHON FOTOSURAT TARIXINI O'RGANISHGA DOIR ILMIY YONDASHUVLAR EVOLYUTSIYASI.....	31
<b>6. Жамшид Кўчаров</b> АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА БУХОРОНИНГ ИЧКИ ВА ТАШҚИ САВДОДА ТУТГАН ЎРНИ.....	37
<b>7. Айгуль Раимова</b> ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИН ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ВА ФАН.....	45
<b>8. Шохсанам Сулаймонова</b> ШАРОФ РАШИДОВ СИЁСИЙ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР.....	51
<b>9. Солежон Тошев</b> ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИНИ ТУРКИЯДА ЎРГАНИЛИШИ.....	57
<b>10. Фарход Усманов</b> XX АСР 20-30 ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗЛИГИНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ИЧКИ ИШЛАР МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ.....	63
<b>11. Шухрат Қудратов</b> XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ БОЗОРЛАР ФАОЛИЯТИ.....	72
<b>12. Сулаймон Ҳайдаров</b> ЎҚУВЧИЛАРДА ТАРИХИЙ ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ.....	78

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Ҳамза Атоевич Жўраев,  
Чирчиқ давлат педагогика институти  
“Тарих” кафедраси ўқитувчиси  
hamzaatoyevich@mail.ru

## БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА СОВЕТЛАРНИНГ МАДАНИЙ ИНҚИЛОБ СИЁСАТИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

**For citation:** Hamza A. Juraev. THE POLICY OF THE CULTURAL REVOLUTION OF THE SOVIETS IN THE BUKHARA PEOPLE'S SOVIET REPUBLIC AND ITS ESSENCE. Look to the past. 2021, vol. 4, issue 5, pp.24-30

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-5-4>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Бухоро Халқ Совет Республикасида совет таълим тизими ташкил этилиши жараёнлари кўрсатиб берилган. Совет давлати томонидан мактаблар, дорулмуаллим, ўқув юртлари ташкил этилиб, кенг таълим тизими йўлга қўйилган бўлсада, бу борада кўп муаммо ва камчиликлар бўлганлиги бўйича маълумотлар мисоллар асосида кўрсатиб ўтилган. Совет давлати ҳукмронлиги йилларида халқ таълими тўлиқ кўринишда ҳукмрон коммунистик мафкура исканжасида бўлиб, таълим тизимида тарбияланувчиларнинг миллий хусусиятларига эътибор берилмади.

**Калит сўзлар:** совет ҳокимияти, шўро давлати, маориф назорати, таълим тарбия, Дорулмуаллимин, ўқув юрти, маданий инкилоб сиёсати.

Ҳамза Атоевич Джураев,  
Чирчиқский государственный педагогический институт  
Преподаватель кафедры «История»  
hamzaatoyevich@mail.ru

## ПОЛИТИКА КУЛЬТУРНОЙ РЕВОЛЮЦИИ СОВЕТОВ В БУХАРСКОЙ НАРОДНОЙ СОВЕТСКОЙ РЕСПУБЛИКЕ И ЕЁ СУЩНОСТЬ

### АННОТАЦИЯ

В статье показаны процессы становления советской системы образования в Бухарской Народной Советской Республике. Несмотря на то, что Советское государство создало школы, дорулмуаллим, образовательные учреждения и наладило общеобразовательную систему, данные о существовании многих проблем и недостатков в этом отношении были представлены на основе примеров. В годы советского государства народное образование на виду находилось польный в тисках господствующей коммунистической идеологии и национальные особенности тех, кто воспитывался в системе образования, игнорировались.

**Ключевые слова:** советская власть, советское государство, контроль образования, образование, Дорулмуаллимин, учебное заведение, политика культурной революции.

**Hamza A. Juraev,**  
Chirchik State Pedagogical Institute  
Lecturer at the Department of History,  
hamzaatoyevich@mail.ru

## THE POLICY OF THE CULTURAL REVOLUTION OF THE SOVIETS IN THE BUKHARA PEOPLE'S SOVIET REPUBLIC AND ITS ESSENCE

### ABSTRACT

The article shows the processes of formation of the Soviet education system in the Bukhara People's Soviet Republic. Despite the fact that the Soviet state created schools, dorulmuallim, educational institutions and established a general education system, data on the existence of many problems and shortcomings in this regard were presented on the basis of examples. During the years of the Soviet state, public education was in full view of the dominant communist ideology, and the national characteristics of those who were brought up in the education system were ignored.

**Index Terms:** soviet power, soviet state, education control, education, Dorulmuallimin, educational institution, policy of the cultural revolution.

### 1. Долзарблиги:

Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йиллардан бошлаб, миллий маданият соҳасида ҳам ҳукмрон давлат мафқурасига мос ўзгаришларни амалга оширишга киришилди. Шу асосида ўлкадаги мавжуд ўқув даргоҳлари ўрнига совет мактаблари ташкил қилина бошланди. Совет давлати томонидан бир қатор чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, аввало маҳаллий аҳоли орасидан чиққан халқ таълими ходимлари, маданият арбобларининг зўр бериб ишлаши натижасида 20- йилларнинг биринчи ярмида республика ҳудудида маданий ҳаёт ҳукмрон мафқурага ҳос янги кўринишда қарор топа бориб, аҳолининг бутун ҳаётини камраб ола бошлади.

1920 йил 30 октябрда Бутун Россия Ижроия қўмитаси Турк-комиссияси РСФСР халқ комиссарлари советининг кўшма мажлисида Бухоро республикасидаги маориф масаласи муҳокама қилинди. Унда Бухоро республикаси ҳудудида совет мактабларини ташкил қилиш, уларга болаларни жалб қилиш, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, саводсизлик мактабларини очиш масалалари кўриб чиқилди. 1921 йилнинг ўрталарида Бухоро Халқ Совет Республикаси қармоғида бўлган вилоят ва туманларда шу жумладан, Қашқадарё ва Сурхандарё ҳудудларида ҳам маориф бўлимлари ташкил этилди. Халқ маорифи Комиссарлиги томонидан Шарқий Бухорода биринчи совет мактаблари очилган бўлса, 1922-1923 йилларда уларнинг сони 73 тага етди. Жумладан Қаршида 10 та, Термизда 3та, Шаҳрисабзда 5 та, Ғузурда 5 та мактаблар фаолияти йўлга қўйилди [1]. Хуллас, Бухоро Халқ Совет Республикасида 1920-1924 йилларда кечган сиёсий ўзгаришлар, ижтимоий ва иқтисодий жараёнлар Бухоро аҳолиси ҳаётига кескин таъсир кўрсатди, лекин маҳаллий аҳолининг манфаатлари инобатга олинмади.

БХСР ҳукумати маданият ва маориф соҳаларига катта эътибор қаратди. Бу борада БХСР ҳукумати таркибида ташкил қилинган Маориф халқ нозирлиги катта роль ўйнади. БХСР маориф нозирлари сифатида 1920-1924 йилларда Бухорода жадиличлик ҳаракати ва Ёш бухороликларнинг етакчилари бўлган.

Қори Йўлдош Пўлатов (1890-1965), Абдулвоҳид Бурҳонов (1875-1934), Фитрат (1886-1938), Мусожон Саиджонов (1893-1937) фаолият кўрсатишди. Хусусан, Фитрат БХСРда маорифни ривожлантиришда катта хизмат қилди.

Бутунбухоро инкилобий қўмитасининг 1920 йил 20 октябрдаги қарорида республика ҳудудидаги барча эски мактаблар ва мадрасаларни ислоҳ қилиш ва уларда дунёвий билимларни кенгроқ ўқитишни жорий қилиш кўзда тутилди. Шу билан бир қаторда, янги

типдаги мактаблар ташкил қилиш, аҳоли ўртасида саводсизликни тугатиш ишлари ҳам бошлаб юборилди. 1923 йилга келиб БХСРда янги типдаги мактаблар сони 40 та бўлган бўлса, 1924 йилда 69 та умумтаълим, 4 та мусиқий, 3 та хунар мактаблари, 13 та интернат фаолият кўрсатди. Уларда жами 5604 нафар ўқувчи таълим олди. Бироқ бу рақам мактаб ёшидаги болаларнинг фақат 3,17 фоизини ташкил қилар эди холос.

Маориф ва мактаб тизимини йўлга қўйишда энг асосий меъёрий ҳужжат БХСРнинг дастлабки маориф нозири Қори Йўлдош Пўлатов раҳбарлигида ишлаб чиқилган “Мактаблар хақида умумий қоидалар” (“Қоидалар”) бўлиб, унинг матни 1920 йил 29 ноябрда “Бухоро ахбори” газетаси саҳифаларида тўла ҳолича эълон қилинди. Маскур қоидаларда БХСРда маорифни йўлга қўйишнинг умумий вазифалари, мактаб маъмуриятида бошқарув, педагогик ходимларга маош тўлаш тартиби, мактабда фанларнинг ҳамда таълим-тарбиянинг асосий йўналишлари қайд этилади.

Бухоро вилояти маориф шўъбаси томонидан 1921 йилнинг январидан Эски Бухорода 5 та мактаб, бутун вилоят бўйича 15 та мактаб, битта хотин-қизлар мактаби, битта хунар мактаби мавжудлиги хабар қилинади. 1922 йилда шу каби мактабларнинг сонини 80 тагача етказиш режаси қайд қилинган. Айни шу даврда 5 жойда кечки курслар ҳам фаолият олиб бориб, улардан биттасида форс, турк, рус, немис тилларида таълим берилиб, 120 киши таълим олган экан.

1921-1922 ўқув йилидан бошлаб Бухоро шаҳрида биринчи дорулмуаллимни очилган. Дорулмуаллиминда ўқиш муддати 2 йиллик бўлиб, ахзори - сиртки бўлим ҳам мавжуд эди. Дорулмуаллимин тайёрлов бўлимига қабул қилинадиган ўқувчи-талабалар ёши 15дан кам, 22 ёшдан катта бўлмаслиги шарт қилиб қўйилган. “Дорулмуаллимнинг очилиши илм ва маориф йўлида биринчи одимдир. Бухоронинг истиқболи ва саодати учун дорулмуаллимнинг яшамоги лозимдир. Бунга ҳукумат аҳамият бериб, бунинг яшамогини таъмин этиш керакдир”, деб ёзилади “Бухоро ахбори” газетасида. Унда тахсил олиш учун БХСР нинг 10 та вилоятдан ёшлар тўпланган. 1921-1922 ўқув йилида Янги Чоржўй шаҳрида иккинчи дорулмуаллимин ҳам иш бошлади.

“Янги Чоржўйда собиқ амир ҳукумати тарафидан солинган Николай гимназияси (Россия подшоси Николай номи билан аталган) ўқув юрти биносида ўткан сана (1921) дорулмуаллимин иш бошлагон эди. Бунга маориф назорати томонидан Файзулло Хўжаев исми берилиб, очилиш маросимида ҳукумат бошлиқлари қатнашди”, - дейилади газета хабарларида. Ўқув даргоҳига кўшни туркий республикалардан (Татаристон АССР, Бошқирдистон АССР, Туркистон АССР) педагог муаллимлар ишлаш учун таклиф қилинган. Бироқ, БХСР маориф тизимида фаолият кўрсатган ушбу вакиллар турли сабаблар туфайли орадан кўп ўтмасдан ўз ватанларига қайтиб кетишган [2]. Хуллас, энг аввало шўро мактаблари таълим тизимида тарбияланувчиларнинг миллий хусусиятларига, уларнинг маънавиятини ўтмиш мерослари асосида шакллантиришга жиддий эътибор берилмади.

## **2. Методлар:**

Мазкур илмий мақолани ёзишда назарий-методологик, тарихийлик ва холислик, тарихий-қиёсий, анализ, синтез, хронологик усуллардан кенг фойдаланилган. Бухоро Халқ Совет Республикасида маданий ҳаёт соҳасида амалга оширилган ишлар шу давр тарихий манбалари асосида ўрганиш, бу соҳадаги янги тамойилларнинг барпо этилиши жараёнларини илмий таҳлил қилиш, шунингдек, Совет ҳукмронлиги йилларида халқ таълими тўлиқ ҳукмрон коммунистик мафкура исканжасида таълим тизимида тарбияланувчиларнинг миллий хусусиятларига эътибор берилмаганлигини аниқ фактлар билан ўрганиш, қолаверса бунинг оқибатлари ва асоратларини қиёсий ёритиш мақсади ҳам кўзланган.

## **3. Тадқиқот натижалари:**

Мавзу тарихшунослиги шартли равишда икки даврга бўлинади. Биринчи давр Совет даврида яъни 1920 йилдан 1990 йилга қадар нашр этилган тарихий тадқиқотларни, иккинчи давр мустақиллик йилларида яъни 1991 йилдан 2020 йилгача нашр этилган адабиётларни ўз ичига олади.

Бухоро Халқ Совет Республикасида Маориф ва таълим соҳасида янги тизимнинг барпо этилиши мавзуси бўйича совет даврида яратилган қатор тадқиқотларда тўхтаб ўтилган. С.Айний, Ф.Хўжаев, Фитрат, Муҳаммад Али Балжувонийнинг асарларида (Масалан: Садриддин Айний. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – М., 1926: Файзулла Хўжаев. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. – Т.: 1926, Фитрат. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври [тожик т.] Сталинобод, Тожикистон Давлат нашриёти, 1930; Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи нофеий [Фойдали тарих]. Тожик тилидан таржимон ва сўзбоши муаллифлари М.Воҳидов, З.Чориев. – Т.: Академия, 2001.) Бухоронинг XX аср бошларидаги ҳаёти, сўнги мангит ҳукмдорлари фаолияти, БХСРдаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлар билан биргаликда маданий ўзгаришлар тўғрисида ҳам тўхтаб ўтилган. XX аср 60-70 йилларида яратилган тарихий адабиётларда ҳам бу муаммоларга қисман тўхтаб ўтилган [1].

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, муаммо тарихшунослиги ўзининг янги босқичига чиқди. Ўзбекистоннинг янги тарихи (2-китоб)[2], Туркистоннинг XX аср бошларига оид рус тилида чиққан йирик монография[3], Ўзбекистон миллий энциклопедияси (1-12 жилдлар)га киритилган айрим мақолаларда[4], Ўзбекистон тарихи (1917-1991 й.) дарслиги[5] ва тарихчи олимларнинг бошқа тадқиқотларида[6] БХСРдаги маданий жараёнларнинг айрим жиҳатларига тўхтаб ўтилган. Бироқ юқорида айтиб ўтилган тадқиқотларда мазкур муаммо алоҳида тадқиқот объекти равишида ўрганилмаган.

БХСРдаги иқтисодий ҳолат ниҳоятда огир аҳволда бўлишига қарамасдан маорифга бюджетдан 1000 000 сўмга яқин пул берилди. Шарқий Бухорода муаллимлар семинари очилди, 30 000 нусха дарслик сотиб олинди ва 6000 дарслик мустақил равишда нашр этилди. БХСР да янги совет мактабларини барпо этиш ва болаларни эски усул мактабларга бориб ўқиш заруратидан холос қилмоқ учун мумкин қадар кўпроқ болаларни янги мактабларга тортиш керак эди. Бу соҳада жуда куп ҳолларда иш шу даражага бориб етдики, ҳукумат ўқиб турган болаларнинг ота оналари учун бир қанча имтиёзлар беришга мажбур бўлди. Яна бир ачинарли ҳолат ўғил болаларни ёшлигидан уйлантириш, қизларни ёшлайин турмушга чиқариш ҳолатлари кўп такрорланган[4]. Хуллас, Бухоро амирлик ҳукуматидан огир мерос бўлиб қолган кўплаб хатолар тузатилди, янги ҳукумат ўзининг ислоҳотлари билан БХСРда демократик ўзгаришларни амалга оширишга киришди.

Бухоронинг ҳар бир вилоятида 1-2 та саводсизликни битириш курслари очилди. Бутун Қизил Армия савотсизликни тугатиш мактабларида ўқитилди. Мисол учун Самарқандда 5 сонли 7 йиллик мактаб ўқувчиси М.Зубаиров Эски Бухорога таътилга келиб, БХСР маорифи томонидан қизил армиячиларни ўқитиш учун “Ситораи Мохи Хосага” ўқитувчи этиб тайинланди [5].

Бухорода маорифни ривожлантириш учун РСФСР билан ўзаро иқтисодий ва маданий дўслик алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилди. Маданиятимиз ва халқ маорифининг чинакам жонқуяри бўлган Файзулла Хўжаевнинг 1923 йил мартда РСФСР Маорифи Халқ Комиссари Анатолий, Васильевич Луначарскийга ёзган тарихий бир мактубида бухоролик 11 нафар ёшни турли мутахассислик бўйича Москвага ўқишга юбораётганлиги, уларни ўзлари хоҳлаган ўқишларига жойлаштирилиб қўйишда, ётоқхона, кийим-кечак, озиқ-овқат ва ўқув қуроллари билан таъминлашда ёрдам кўрсатиши сўралади. Бу вақтда яна бир янгилик Бухоро хотин- қизлари ҳам ўқишга жалб қилинди. Унда ўқиш учун 22 нафар маҳаллий ўзбек хотин-қизлари юборилди. Бу тадбир Бухоро хотин-қизлар ҳаётида катта бир воқеа бўлди. Шунингдек Москвадаги Шарқ меҳнаткашлари Коммунистик университетида Бухородан 10 та қиз ўқишга юборилди. 1924 йил Москвада ўзбек ва рус тилларида ойлик ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий характердаги “Бухоро турмуши” – “Бухарская жизнь” журнали ҳам нашр этилди. Юсуфзода Абдураим муҳаррирлигида чиқарилган мазкур журналнинг иккинчи қўшма сони (март-апрель, 1924 йил) чоп этилган. Шунини айтиш керакки, Туркистон ўлкасида илм-фанни, маданиятни ривожлантириш учун мусулмон Шарқининг Станбул, Қоҳира, Анқара каби шаҳарларида (инқилобдан аввал ва кейин ҳам) Абдурауф Фитрат, Миёнбузруг Солихов, Соид Хўжаев, Мулло Бекжон Раҳмонов, Саттор Жабборов, Ғозиолим Юнусов каби ўнлаб истеъдод эгалари ўқиб келадилар. Бироқ,

хорижда (Туркия, Миср, Германия) ўқиб келган юзлаб истеъдод эгаларининг тақдири қатагон йиллари фожиа билан тугалланди. 1923 йилда Бухоро Республикасида 32 та бошлангич ва ўрта мактаб, 11 та болалар уйи педагогика курси, хунар мактаби, 4 та мусиқа мактаби, 2 тата ўқитувчилар институти ишлаб турди. “Москвада Бухоро болалари маориф ўйида 110 ўқувчи Совет Иттифоқининг бошқа шаҳарлари ва хорижий мамлакатларда 76 киши ўқимокда эди. 1923 йилда педагогика курсларни битирган 70 киши вилоятларда Совет типидagi мактаблар очиш учун юборилди. Халқ маорифи, соғлиқни сақлаш соҳасида эришилган дастлабки натижаларда албатта Файзулла Хўжаевнинг салмоқли хиссаси бор”. Файзулла Хўжаев Туркистон ва Бухоро воҳасида илм-маърифатнинг айниқса, маориф ва маданиятнинг тараққий этишида алоҳида аҳамият беради. Бухоро Халқ Шўролар Жумҳурияси Нозирлар Кенгашининг Раиси Файзулла Хўжаев ташаббуси билан бухоролик, туркистонлик ва хоразмлик ёшлар 1922-1923 Москвада Кавказда, Тошкентда ва хорижий мамлакатларда таҳсил олишлари учун ўқишга юборилди. Германияда таҳсил олувчи йигит ва қизлар учун Берлинда ўзбек тилида “Ковёний” босмахонаси ташкил этилиб, у ерда ёзувчи Садриддин Айнийнинг “Қиз бола ёки Холида”, Фитратнинг “Ҳинд сайёҳи” номли асари ва Абдулвоҳид Бурхоновнинг шеърий тўпламлари араб алифбосида ўзбек тилида чоп этилган[6]. Хуллас, шўро тузуми йилларида ўқувчилар онгига фақат коммунистик партия гоёларига содиқлик, унинг топшириқларини сўзсиз бажариш лозимлиги уқтириб келинди. Яна ўқувчилар қишлоқ хўжалик ишларида мажбурий меҳнатга сафарбар этилган.

Бухоро Халқ Совет Республикасида маориф ва маданиятни ривожлантиришда ҳукумат мутасаддиларидан Қори Йўлдош Пўлатов, Файзулла Хўжаев, Усмонхўжа Пўлатхўжаев, Саид Ахрорий, Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон, Маҳмуд Субоҳ (Субой) каби тарихий шахсларнинг фаолияти қирралари янги далиллар асосида баён қилинади. Қори Йўлдош Пўлатов ўз номи билан 1922 йилда Бухорода биринчи музейга асос солди. Саид Ахрорий ўзбек тилида чоп этилган “Бухоро ахбори” газетасининг биринчи муҳаррири эди. А.С.Чўлпон (1897- 1938) 1921 йилнинг ёзидан 1922 йил баҳоригача Бухорода яшаб, “Бухоро ахбори” газетасининг 41-сонидан 67- сонига қадар муҳаррирлик қилган. Ўтган давр ичида адибнинг “Бухоро ахбори” саҳифаларида 15 тача шеъри ва ўнлаб публицистик мақолалари чоп этилган[7]. БХСРнинг ҳукумат таркиби жаҳидлардан иборат бўлиб, улар халқни саводли қилиш орқали жаҳолат ва қолоқлик ботқоғидан халос қилиш мумкинлиги тўғрисидаги орзу-умидларнинг рўёбга чиқиш вақти етди, деб ҳисобладилар. “Қоидалар” нинг 1 бўлими 11- бандида: “Мактабларнинг ҳар қайсида тарбия олмақ билан бирга, болалар учун мумкин бўлган равишда ош, чой, кийим ҳам берилур”, - деб ёзилган. Мактабларда болалар соғлигини назорат қилиш учун доимий тиббий назорат кўригини ташкил этишга диққат-эътибор қаратилган. Маориф бошқармаси кўп болали, кам таъминланган ўқувчиларга бепул кийим берган [7].

Таълим-тарбияда “болаларни сўқмоқ, урмоқ, жазо бермоқ тугатилиб, ўғит-насихат, танбех, ўрнак кўрсатиш (ибрат-намуна)” усулларини қўллаш қондаси кўрсатилган. Таълим “ахлоқий, фаний, сиёсий (мафкуравий)” равишда бўлиши, ҳар бир синфдаги ўқувчилар сони 30-35 киши қилиб белгиланиши ёзиб қўйилган. Юқоридаги қайдлар ҳозирги замон руҳи билан ҳамоҳанг эканлигининг гувоҳи бўламиз. Айниқса таълимнинг шакллари, таълим-тарбия усуллари, ҳатто бир синфдаги ўқувчилар сони қабилар замонавий таълим тизими талабларига мос келади. “Қоидалар” билан танишар эканмиз, бўлажак таълим-тарбия тизимида ахлоқий масалаларга, маънавий баркамолликка алоҳида эътибор берилганлигининг гувоҳи бўламиз. “Мактабларда одоб-ахлоққа жуда аҳамият берилиб одобсизлик, тарбиясизликлар, тамаки тортмоқ, қимор, ошиқ ўйинлари, бедана ўйнамоқ мактаб болаларига қатъий мумкин эмасдур. Муаллимларга ҳам мактабларда тамаки тортмоқ мумкин эмасдур”, -деб ёзилади ҳужжатда. Бугунги кунда мактабларда бунга эътибор қилинмайди.

Ушбу қатъий қоидалар Бухоро жаҳидларининг 1908 йил октябрда Саллохўжа кварталда очган биринчи жаҳид мактаби “Тарбия атфол” (Болалар тарбияси) мактабида ҳам амал қилган эди. Мактабда таълим оладиган ёш жаҳидлар ахлоқий пок бўлиши, вино ичмаслик, ўз сўзига туриш, маорифга садокат, ўз шахсий манфаатларидан жамият манфаатларини устун қўйиш каби ҳислатларга эга бўлиш учун қасам ичган эдилар.



Мактабларда тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, дарс жадваларини тузиш ва ўқув жараёнини уюштириш, мактабнинг моддий-маънавий базасини мустаҳкамлаш, яхши педагог мутахассисларни танлаш каби кенг миқёсдаги вазифалар раҳбарият зиммасига ююкланади [7].

Мактаб мудирлари мактабни идора қилганлари учун 25 фоиз ортиқ олурлар, ҳафтасида 12 соат дарс берурлар - деб ёзилган. “Қоидалар”нинг “Мактаб ходимлари учун категориялар бўлимида ўқитувчи мураббийларга маош тўлашда уларнинг малакаси, маълумоти, иш тажрибасига қараб йўл тутилиши таъкидланган. “Мактаб ходимларига 3 категория ва 5 даража орасинда мояна берилур, яъни 8000 сўмдан 6000 сўмга қадар [7].

1 - даража 8000 сўм,

2 - даража 7500 сўм,

3 - даража 7000 сўм,

4 - даража 6500 сўм,

5 - даража 6000 сўм,

“Мактаблар ҳақида умумий қоидалар”даги бандлар билан танишар эканмиз, барча миллат вакилларининг таълим олишдаги тенглик ҳуқуқи, миллий урф-одатларни ҳурмат қилиш, болаларни ёш хусусиятларига қараб дарс соатларини белгилаш, ўқувчи ва ходимларга таътил бериш каби масалаларга атрофлича эътибор берилганлигининг гувоҳи буламиз.

БХСР ҳукумати ўзининг тўрт йиллик тарихи даврида миллатимизни замонавий тараққиёт даражасига кўтариш учун барча чора-тадбирларни кўрди. Маориф ва фанни ривожлатиришга, жаҳонда ўз муносиб ўрнимизни эгаллашнинг тамойили деб қаралди. Кўпгина иқтидорли ёшларимизни хорижий мамлакатларга таълим олиш учун юборди.

БХСРнинг дастлабки давриданок ишлаб чиқилган “Мактаблар ҳақида умумий қоидалар” тарихий ҳужжатининг ўзида халқ маорифини юксалтиришга йўналтирилган орзу-умидлари акс этирилган эди[10].

Хуллас, маорифга ажратилган маблағлар миқдори анча юқори бўлса-да, қурилган мактабларнинг бинолари талабга жавоб бермасди. Қиш мавсумида синф хоналар совуқ, зах бўларди. Мактаблар жуда оддий усулда бунёд этилган бўлиб, кўпчилиги 2 ва 3 хонадан иборат бўлган мактаблар эди. Афсуски, совет тузумидаги партиянинг сиёсати, Ўрта Осиё халқларини руслаштириш, рус мактаблар сонини кўпайтириш айниқса шаҳар ва туман марказларида бу ишлар жонлантириб юборилган эди. Энг аввало шўро мактаблари таълим тизимида тарбияланувчиларнинг миллий хусусиятларига, уларнинг маънавиятини ўтмиш мерослари асосида шакллантиришга жиддий эътибор берилмади.

### Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Ishanov A. Creation of the Bukhara People's Soviet Republic 1920-1924. – T.: Publ. AS Uz SSR, 1955; Ishanov A. Bukhara People's Soviet Republic. – T.: Uzbekistan, 1969; Ishanov A. History of the Bukhara and Khorezm People's Soviet Republics. – M.: Science, 1971; Ishanov A. Bukhara history from ancient times to the present day. – T.: Fan, 1976.
2. Turayeva M. The education system in the southern regions of Uzbekistan in the 20-40s of the XX century // News KarSU 2019 special issue 136 page.
3. History of Uzbekistan (1917 – 1991) first book. Political and socio-economic life of the BPSR in 1921-1924 Responsible editor Q. K. Rajabov. - Tashkent “Uzbekistan” 2019. 160- 163 p.
4. Khodjayev F. Selected works. Three volumes. I volume. – Tashkent: “The science”, 1976. 263-279- p.
5. National archives of Uzbekistan 56- foundation, 1- inventory, 28- case.
6. Hasanov M. Fayzullo Khodjayev Tashkent Uzbekistan 1990.
7. Kasimov F. History of Uzbekistan on the history of the people's Soviet Republic of Bukhara 2005.
8. New history of Uzbekistan. 2-book. During the Soviet colonialism of Uzbekistan. – T.: East, 2000.
9. Turkestan at the beginning of the Twentieth Century: Towards the History of the Origins of National Independence. Responsible editor R. Ya. Radjapov. – T.: East, 2000.

10. Rajabov Q. K. Bukhara People's Soviet Republic // National Encyclopedia of Uzbekistan. T.2. – T.: UzNE, 2001. – 299-302 - p.
10. Haitov Sh.A. Badriddinov S. Rakhmonov K.J. Bukhara people's Soviet republic: economy, social policy, cultural life. Bukhara: “Bukhara”, 2005. 71-75 - p.